

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2004 йил 27 июль № 155 (3430)

Сешанба

## Чингиз Тўрақулович Айтматовга

Хурматли Чингиз Тўрақулович, Даволашни жараёни муваффақиятли ўтгани ва соломатлигиниз яхшилангани ҳақидаги хушхабар Ўзбекистонда қониқчи ва хурсандлик билан қутиб олинди.

Сиз жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда юксак обрў-эътибор ва катта ҳурматга сазовор бўлгансиз. Мен узаро мулоқотларимизни ҳамisha мамнуният билан ёдга оламан ва учрашувларимизни истиқболда давом эттириш учун кўплаб қулай имкониятлар бўлишига умидворман.

Серқирра маҳоратингизнинг Ўзбекистондаги кўпсонли мухлислари ва шахсан ўз номидан Сизга, муҳтарам Чингиз Тўрақулович, тез кунларда тўла соғайиб кетиш ҳамда ижодий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятга қайтишни чин дилдан тилайман.

Сизга юксак ҳурмат ва фаол умргузаронлик тилаклари билан,

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти.

## АҚШ ГЕНЕРАЛИНИНГ ТАШРИФИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Нодирбек ЎЛЖАБОВ).

Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ қуроли кучлари марказий қўмондонлиги бош қўмондони генерал Жон Абизад Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида бўлди.

Мамлакатимиз мудофаа маҳкамаси раҳбари Қодир Ғуломов билан музокарада Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга

оид масалалар муҳокама этилди. Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш, шунингдек, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Мазкур масалаларда томонларнинг фикрлари муштарак экани таъкидланди.

Меҳмон Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Содиқ Сафоев билан ҳам Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари, минтақавий хавфсизликка доир масалалар юзасидан фикр алмашди.

## УЛКАН ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК САМАРАСИ

Ливияда шахмат бўйича ўтган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик гроссмейстер Рустам Қосимжонов барча донгдор рақибларини доғда қолдириб, шатранж тожининг соҳиби бўлди. Ўзбекистонда Юртбошимиз раҳнамолигида спорт соҳасига берилаётган улкан эътиборнинг самараси яна бир қарра жаҳон миқёсида эътироф этилди.

Президент Ислом Каримовнинг ёш авлоди ҳар томонлама етук инсонлар этиб воёга етказиш, хусусан, спортни ривожлантириш йўлидаги доимий ғамхўрлиги Ўзбекистоннинг фахру ифтихорлари сафини тобора кенгайтирмоқда.

Шахмат тожи Ўзбекистон вакилига насиб этгани катта тарихий воқеа. Шу муносабат билан мамлакатимиз раҳбарига дунёнинг турли давлатларидан табрик мактублари келмоқда. Уларда Рустам Қосимжоновнинг ғалабаси Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатимизда ёш авлодни барқарор инсонлар этиб воёга етказиш йўлидаги улкан савий-ҳаракатларининг яна бир самараси экани алоҳида таъкидланди.

“Ўзбекистон раҳбарияти шахматни оммавийлаштириш ва ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда, шубҳа йўқки, бундай муваффақиятга эришиб бўлмасди. Жаҳон шахматчилари Сизнинг Рустамни мамлакатингизнинг юксак давлат мукофоти — Амир Темури ордени билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармонингиз ҳақидаги хабарини катта қувонч билан қутиб олди. Бу муваффақият шуниси билан кадрлики, мусобақа мобайнида Рустам Василий Иванович (Украина), Александр Гришчук (Россия), Веселин Топалов (Болгария), Майкл Адамс (Англия) каби супергроссмейстерларни мағлуб этди ва шу билан ўз еттинчи шахмат қироли номига мусобиқининг, сайёрамизнинг энг кучли шахматчиси эса Сизнинг гузал мамлакатингиз вакили эканлигини исботлади. Амминанки, бу муваффақиятга ўзбек спортчиларининг жаҳон спорт майдонларидаги бошқа ажойиб ғалабалари ҳам қўшилиши, дейилади ФИДЕ Президенти, Калмоғистон Республикаси Президенти Кирсан Илкомжоновнинг мактубида.

Франция Миллий ассамблеяси раисининг ўринбосари, Ренсис шаҳри мэри


Эрик Раулнинг мактубида ҳам ана шундай самимий табрик сўзлари ўз ифодасини топади.

“Хозиргина шахмат бўйича янги жаҳон чемпиони жано Рустам Қосимжонов ўзбек миллатига мансуб эканлигиндан воқиф бўлди ва шу муносабат билан Сизни чин дилдан қутлашга ижозат бергайсиз. Сизга ва мамлакатингизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтирорларимизни қабул қилгайсиз”, дейилади номада.

“Сизни Ўзбекистон Республикаси ва ўзбек халқи ҳаётидаги шонли воқеа муносабати билан қутлашга ижозат бергайсиз, — деб ёзди “Союзнефтегаз” давлатларо нефть компанияси” ёпиқ акционерлик жамияти бошқаруви раиси Юрий Шафраник. — Бу ғалабада ўзбек халқининг маданиятидаги чуқур тарихий илдишлар ва аъёнлар, бу халқни дунёга танитган математиклар, фалакшунлар, мутафаккирларнинг азму шиховати ва донолиги ўз ифодасини топади. Амминанки, Сиз, Ўзбекистон Республикасининг Президенти сифатида янги тарихий шарафда миллий маданиятнинг гуллаб-яшнаши, спортнинг барча турлари юксак суръат билан ривожланишига алоҳида эътибор қаратмаганингизда, бу ғалабага эришиб бўлмас эди. Халқаро шахмат чўкисида дўст Ўзбекистон вакилларига янги номлар ва янги муваффақиятлар тилаб қоламиз”.

“Рустам Қосимжоновнинг Ливияда ўтган жаҳон чемпионатидаги ажойиб ғалабаси билан табриклашга ва дўст ўзбек халқига спортда янгида янги муваффақиятлар ва янги номлар тилашга ижозат бергайсиз”, дейилади “Союзнефтегаз” давлатларо нефть компанияси” ёпиқ акционерлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Г.Гучетлиннинг мактубида.

Исроил Кнессети (парламент) аъзоси, парламентадаги “Исроил — Ўзбекистон” дўстлик лигаси раиси Амнон Коэн Ўзбекистон Президенти билан бундан лига аъзолари



Дехқоннинг табиати қизиқ. Йил бўйи қилган меҳнати чарчоғини даласидаги ҳосил нишонини кўргандаёқ унутиб юборади.

— Пахта очилди! Андижоннинг уюлжақ улкан ҳосили айнан бизнинг далаларимизда нишона кўрсатди! — қувончини яширолмади Шаҳрихон ғуманидаги “Ҳақиқат” ширкат хўжалиги 1-бўлими бошлиги Абдуҳамид Тошболатов (суратда).

Айни кунларда тумандаги бошқа хўжалик даларида ҳам бирин-кетин пахта очилмоқда.

— Бу йил ғалладан ташқари 344 гектар ерга чигит қадан эдик, — дейди ширкат хўжалиги раиси Олимжон Аҳмадалиев. — Мақсадимиз ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил олиш. Бунинг учун имкониятимиз етарли.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## КУВАЙТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МАМЛАКАТИМИЗДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Кувейт Давлати вақф ва ислом ишлари вазири Абдулла ал-Маътуқ раҳбарлигидаги делегация аъзолари 26 июль кuni Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Зухридин Хусниддинов билан суҳбатда Ўзбекистон ва Кувейт ўртасидаги маданий-маърифий алоқалар билан боғлиқ масалаларни муҳажра қилди.

Кувейт делегацияси Тошкент ислом университетининг талаба ва ўқитувчилари билан учрашди, ўқув даргоҳининг фаолияти билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев билан суҳбат чоғида Ўзбекистон — Кувейт алоқалари ривожланиши бораётгани, мамлакатларимиз турли соҳаларда самарали ҳамкорлик ўрнатгани кайд этилди. Бунда Президент Ислом Каримовнинг жорий йилнинг 19-20 январь кунлари Кувейтга ташрифи давомида эришилган ахдлашувлар муҳим ўрин

тутаётгани таъкидланди. Музокара давомида савдо-иқтисодий алоқалар кўламини янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу кuni Абдулла ал-Маътуқ Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан музокара ўтказди. Унда мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги қўллаб сохаларни қамраб олиши, ақсарият халқаро масалалар юзасидан Ўзбекистон ва Кувейт ўхшаш фикрда экани айтиб ўтилди. Томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш имкониятлари хусусидаги фикрлар билан ўртоқлашди.

Шу кuni қувайтлик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги дин ишлари бўйича қўмита раиси Ш.Миноваров ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А.Бахромов ҳамда пойтахтимиздаги “Кўкалдош” мадрасаси талаба ва мударрислари билан ҳам учрашди.

(ЎзА).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

### Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ: Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 2004

йил 26 август кuni Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ Тошкент шаҳри, 2004 йил 23 июль.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган Давлат бюджетининг асосий макроеқномаси кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисида.
3. “Экспорт назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
4. “Жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
5. “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (янги таҳрири).
6. “Давлат бюджетининг фазначилик ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
7. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғри-

сида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

8. “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

9. “Ўзбекистон Республикасининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Олий Мажлис Қонунийлик палатасининг депутатини ва Сенатининг аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

10. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (янги таҳрири).

11. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

Олий Мажлисида

## Ишчи гуруҳи йиғилиши

26 июль кuni иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни ишчи гуруҳи раҳбари — Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугров олиб борди.

Ишчи гуруҳи раҳбари биринчи йиғилишини очар экан, парламентнинг навбатдаги сессияси муҳим аҳамиятга эга эканлигини, унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳамда 2005 йилга мўлжалланган Давлат бюджетининг асосий макроеқномаси кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисидаги масалалар, иқтисодий ислохотларни, жамиятимиздаги демократик ўзгаришларни чуқурлаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари ва бошқа масалаларни кўриб чиқишнинг таъкидлади. Сессияни сиёсий ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш, депутатлар самарали ишлаши учун макбул шарт-шароитлар яратиш зарурлигига алоҳида ургу берди.

Сессиянинг муваффақиятли ўтиши парламент қўмиталари ва комиссиялари, сиёсий партияларнинг депутатлар фракциялари, хокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блоклари унга қандай тайёргарлик кўришига қўл жиҳатдан боғлиқдир. Йи-

гилишда депутатлар ишчи гуруҳининг ҳозирги кундаги асосий вазифаси сессия муҳокамасига киритилаётган барча ҳужжатлар лойиҳаларини ўз вақтида, сифатли тайёргарлик билан таъкидланди. Айни вақтда мамлакатимиз қонун чикаруви олий органнинг бўлажак сессия билан боғлиқ бошқа бир қатор масалаларни ўз вақтида хал этиш ҳам муҳим аҳамиятга молик эканлиги айтилди.

Депутатлар ишчи гуруҳи фаолияти самарали бўлиши таъминлаш мақсадида унинг таркибига ўрта кичик гуруҳ тuzилди. Қонунийлик ва суд-хуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов бошчилик қилуватган кичик гуруҳнинг асосий вазифаси сессияга доир маълумотларни тайёрлаш ва уларнинг депутатларга олдидан етказиб берилишини ташкил этиш, ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан тушундирувчи маълумотларни умумлаштириб беришдан иборат.

Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ҳ. Хошимов етакчилигидаги кичик гуруҳ журналистларни аккредитация қилиш масалаларини хал этиди, парламент сессиясига тайёргарлик кўриш ва

уни ўтказиш жараёни, шу жумладан, сиёсий партияларнинг депутатлар фракциялари, хокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокларининг қонунчилик ишидаги иштироки оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритилиши ташкил қилади. “Рада-Мажлис” электрон овоз бериш тизими аниқ ишлашини ва янги мажлис заллида синхрон таржимани таъминлаш вазифаси ҳам мазкур кичик гуруҳ зиммасида.

Иқтисодий ислохот қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитасининг раиси М. Умаралиев раҳбарлик қилуватган кичик гуруҳ ўз савий-ҳаракатларини сессия вақтида депутатлар умуми ишлашлари учун улarga зарур шарт-шароитларни таъминлаб беришга қаратади.

Депутатлар ишчи гуруҳи аъзолари амалга ошириладиган ишлар режасини атрофича муҳокама қилдилар ва сессияга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан қатор тақлифлар билдирдилар. Кичик гуруҳ раҳбарларининг баъжарилган ишлар тўғрисида мунтазам ҳисобот бериб боришлари, тайёргарлик асноси юзга келадиган барча масалалар бўйича фикр алмашиб туришлари ҳамда бир-бирларига зарур амалий ёрдам кўрсатишлари ҳақида қарор қабул қилинди.

(ЎзА).

Дилшод ЮСУПОВ суратга олган.

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDIДА



Ўзбекистон Республикаси Олий судида 29-30 март ва 1-апрель кунлари Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида терроризм ва қўпурчилик ҳаракатларини содир этганликда айбланаётган 15 нафар шахс устидан суд жараёни бош-

ланди. Суд жараёнига Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Б.Жамолов раислик қилмоқда. Судланувчилар Ф.Юсупов, Ф.Қазакбаев, Х.Ишмаев, Е.Асланов, Н.Қурбаналиев, Р.Юсупов, М.Мирзакулов, Қ.Тўйчиев, К.Соҳталиев, Е.Умаров, К.Қарюмова, Ж.Нигманов, Ҳ.Қариев, И.Тошпулатова, А.Зулпикаров дастлабки тергов органлари томонидан оғирлаштирувчи ҳолат-

ларда қасддан одам ўлдириш, терроризм, босқинчилик, диний экстремизм, ўқотар қурол ва ўқ-дориларни босқинчилик йўли билан эгаллаш, портловчи моддаларни тайёрлаш, олиб юриш, сақлаш, контрабанда ва бошқа қатор ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланган. Раислик қилувчи томондан тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилган, Давлат айбловчиси, адлия катта масла-

ҳатчиси М.Солиҳов айбловчиларга нисбатан айблов ҳулосасини ўқиб эшиттирди.

Очик қўрилаётган суд мажлисида 30 нафардан зиёд хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.


(ЎзА).

Дилшод ЮСУПОВ суратга олган.



Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

«Умумармия ўйинлари — 2004»



...Эллимизнинг мақтову, кўрпу

Куролли Кучларимизда босқичма-босқич ўтказилган ишловчи сабаб ҳарбий ҳаётга кириб келаётган янгиликлар нафақат она-юрт куролли ҳимоячилари, балки кенг жамоатчилик томонидан қизгин қўллаб-қувватланаётгани кувонарли хол. Айниқса, бу тизимда спортга алоҳида эътибор қаратилиши ҳуқуқимиз томонидан жисмоний тарбияга қўрсатиладиган ғам-хўрликнинг мантиқий давоми...

Ўзбекистон сайлов тизими, аввало, демократлиги, конституцион асосга эгалиги билан характерланади. Конституциянинг 117-моддасида сайловлар умумий, тенг сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши белгилаб қўйилган.

динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, этикоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулоти турли ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир. Бу дегани — ҳар бир фуқаро битта овозга эга; сайлов округумуман овоз беришда иштирок этмайди. Уни овоз беришга ҳам, овоз беришда иштирок этмаслиққа ҳам ҳеч қим мажбурлаши мумкин эмас.

ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС

Умумий сайлов деганда, сайловчилар ва сайланувчилар (номзодлар) учун ҳеч қандай чеклашлар бўлмаганини тушунилади. Юқорида тилга олинган Қонуннинг 2-моддаси «Умумий сайлов ҳуқуқи» деб номланади. Унга асосан, Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови умумийдир. Сайлов куни 18 ўшга тулган Ўзбекистон фуқаролари сайлов ҳуқуқига эгадир. Қонунчилик Палатасига сайлашни ҳуқуқига 25 ўшга тулган ҳамда камида 5 йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадирлар.

лариди сайловчилар сони микдори тенг; қишлоқ ва шаҳар аҳолиси учун тенг вакиллик нормаси ўрнатилди; номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга субъектларнинг имконияти бир хил, яъни, барча сиёсий партиялар бир хил имкониятга эга, ҳар бир округдан ўзларининг биттадан номзодини тавсия этади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳўкми билан озодликдан маҳрум этиш ҳўйларида сақланаётган шахслар сайлашни мумкин эмас ва сайловда қатнашаёлдилар.

«Яширин овоз бериш» деб номланган 5-моддага асосан, депутат яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Бу овоз беришни ҳўқуқига эга бўлиши, ҳаёт ачиқ-чўчўқларини татиб кўрган бўлиши зарурлиги жиҳатидан белгиланган. Бу, айниқса, профессионал парламент фаолияти учун жуда муҳимдир.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳўкми билан озодликдан маҳрум этиш ҳўйларида сақланаётган шахслар сайлашни мумкин эмас ва сайловда қатнашаёлдилар. Умумий сайловлар натижасида мамлакатимиздаги барча фуқаролар, мансабли, лавозими, касби, оилавий аҳоли, партияга мансублиги, диний эътиқоди, мўлквий аҳоли, маълумоти, жинсидан қатъи назар, сайлаш ва сайланиш имкониятига эга бўладилар. Бу ҳўқуқни белгилөөчи моддада сайлаш ва сайланишда иштирок этиш учун қўйилган талаблар асло сайлов ҳўқуқини чеклаш бўлмаганди, сайловларда онгли равишда иштирок этишни таъминлашни,

Сайлашни ҳўқуқининг 25 ёшдан қилиб белгиланиши эса парламентга сайланувчилар маълум билим ва тажрибага эга бўлиши, ҳаёт ачиқ-чўчўқларини татиб кўрган бўлиши зарурлиги жиҳатидан белгиланган. Бу, айниқса, профессионал парламент фаолияти учун жуда муҳимдир. Сайланувчилар камида 5 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаганининг шартлиги эса, бўлажак депутатлар шартлиги билан яхши таниши, халқ орузу-истакларини билиши зарурлигидан келиб чиқади. Ёш чегараси, маълум муддат мамлакат ҳудудида муқим яшаш шарти бошқа демократик мамлакатлар сайлов қонунларида ҳам мавжуд бўлиб, халқро тажрибаларга, демократик таъминлайдиган эд.

Қонуннинг 3-моддаси «Тенг сайлов ҳўқуқи» деб номланган. Унга кўра, фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили,

Фуқаролар ташаббускор гуруҳлар тузишда, ташвиқот ишларида, номзоди кўрсатилишига рози бўлишда, қўзғувчилар ёки сайлов комиссиялари таркибидида иштирок этишда, партиялар ҳайрия ёрдамлари беришда эмин-эркин, ўз ихтиёри ва розилиги билангина қатнашаёлдилар. Қонунчилик палатасига сайлашни учун кўрсатиладиган номзодларнинг муқобилилик асосида бўлиши ҳам овоз беришда эркинликни таъминлайди. Сайлаш ҳўқуқидан ташқари танлаш ҳўқуқи ҳам мавжуд бўлади.

Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, ўтказиладиган сайловларнинг барча жараёнлари — сайловга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш оқиқа ва ошқора амалга оширилади. Ошқоралиқ таъминлаш сайлов комиссиялари фаолиятида муқим ўрни тугади ва уларнинг маъсулятини оширади. Сайловларнинг оқиқа ўтишини, сайлов кампанияси бошлангани Марказий сайлов комиссияси томонидан ОАВДА эълон қилиниши таъминлайди. Сайлов комиссиялари фуқароларни оммавий ахборот воситалари орқали ўз ишларидан — сайлов округлари ва участкалари тузилганидан, сайлов комиссиялари таркибидан; уларнинг жойлашган манзили ва иш вақтидан хабардор этадилар. Сайловда иш-

О. ХУСАНОВ, юридик фанлар доктори, профессор.

Тадбир

Ёшлар ва сайлов маданияти

Пойтахтимиздаги «Бунёдкор ёшлар» телеклубида ўшбу руқн доира-сида «Ўзбекистондаги икки палатали парламент — демократиянинг янги босқичи» мавзусидаги иккинчи семинар-тренинг ўтказилди. Тадбир Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамда тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг «Ёшлар қаноти» билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Тошкент шаҳри ва республикамизнинг барча вилоятларидаги ёшлар ҳаракати етакчилари иштирок этидилар.

Тадбирдан қўзланган мақсад — икки палатали парламентнинг ўзига хос хусусиятларини халқ ичиди тарғиб қилиш ва оммалаштириш, партияларнинг парламентдаги фракциялари фаолиятининг муқим йўналишлари ҳамда парламентариизмини ривожлантириш асосларини яратишдан иборатдир.

Маърузаларда янги сайловларнинг аввалларида фарқлари, сиёсий партияларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлардаги фаолиятига тўхталиб ўтилди. Асосий эътибор ижтимоий муамлоларга, яъни аҳолининг кам таъминланган қатламларига мақсадди ёрдам кўрсатиш, ёшлар бандлигини ва кичик бизнес тараққиётини таъминлаш масалаларига қаратилди.

Семинар сўнггида иштирокчилар сайлов маданияти тўғрисида ҳам фикрлашдилар.

Зийда АШУРОВА.

Ворислар

Гўзалхон Матвалиева (суратда) Тошкент Давлат юридик институти талабаси. Бўлажак ҳўқуқшунос. Ёшларнинг нури келажақ, етук қамоли учун мамлакатимизда яратилаётган барча шароитлардан мамнун.

— Бугунги кунда биздан талаб қилинадиган нарса, аввало, чўқур билим эгаллаш, — дейди Гўзалхон. — Шунингдек, ўз мутахассислигимиз бўйича кўп адабиётлар, ўқув қўлланмалари билан танишишимиз, аждодларимиз меросини мунтазам ўрганишимиз жуда муҳим. Зеро, мамлакатимиз тақдирини ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қўлида, уларнинг пок қўли, эркин тафаккури, мустақкам ирода-си ва дунёқарашиди кўра олган Юрт-бошимиз ишончини оқлаш ҳар бир тенгқўримизнинг эзгу нияти бўлиши лозим, деб ўйлайман.



Футболчиларимиз гуруҳ Ғолибу

Хитойда ўтаётган футбол бўйича Осиё чемпионатида гуруҳ ўйинларини яхши равишда ўтказди. Ўзбекистон терма жамоаси кеча ўз гуруҳидидаги сўнгги ўйинини Туркменистон термасига қарши ўтказди. Маълумки, футболчиларимиз гуруҳдаги дастлабки икки ўйинини бир хил 1:0 ҳисобида галаба билан яқунлаб, чорак финалга йўлланганини қўлга киритиб бўлишганди. Шунга қарамай, футболчиларимиз ҳужумкор ўйин кўрсатиб, туркменистонликларни ҳам мағлуб этишди. Ягона голни жамоа сардори Миржалол Қосимов рақиблик дарвозасига йўллади. Ўзбекистон терма жамоаси 9 очко тўплаб гуруҳда биринчи ўринни эгаллади. Улар энди чорак финалда Баҳрайн терма жамоасига қарши майдонга тушади. Биз қолган ўйинларда ҳам жамоамизга омад тилаймиз.

Ўз мухбиримиз.

Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ҳўкимининг муовинларидан бири Барноҳон Холтўраева мен сўроқлаб борган аёл ҳақида, «Танишишгина эмас, у ҳақида қитлоблар ётса арзийди, фамилияси Пўлатова — иродаси пўлатдек қаттиқ, исми Гўлчехра, Оллоҳ унга барча гулларнинг ҳўсуну латофатини берган. 101 фермер-у тадбиркор аёлларга бош. Туман аёлларини оёққа турганизи, тадбиркорлиқни шундай кучайтирдик... Йўқ, қолганини ўзи билан учрашганда биласиз...» деб сўзини ақунлади.

Уч кунгача Гўлчехраҳонни учратолмадим. Бугўдйда — қирда, дейишди. Уч кун давомида унинг иштирокисиз фаолиятини ўргангандек бўлдим. Тадбиркор аёллар уни Сардоримиз деб аташаркан. Фермер аёллар Маликамиз деб улуғлашаркан.

Кўпчилик аёллар от минсанг, Гўлчехрадек мин, деб қўйишаркан. Уч фарзанднинг меҳрибон онаси экан.

Абдуллоҳнинг қўли билан маҳкамасида бошқалар қатори қўлга тушган эдим, хонанинг қўш эшиги тўсатдан шарақлаб очилди. Остонада тўладан келган, жуссадор, юзу кўзлари чарақлаб турган аёл кўриди. Хонага куч, шиддат, кўтаринки бир кайфият шовуллаб оқиб кирганидек бўлди. Хона кенг, катта, нақ тўртга бўлиб қўйилган. Бир бўлага менга ўхшаш келувчиларга берилган. Бир бўлага компьютер ўрганаётган қизлар жойлашган, яна бир бўлага адабиёт ҳаваскорларига ажратилибди. Одам қўп. Хаммалари гур этиб, ўринларидан туриб кетишди.

— Жамоат жам-ку! — деди Гўлчехраҳон. Кейин менга юзланиб, уч кундан буён даладан кела олмаганини айтиб, уэр сўради. Қолганлар билан илиқ-илиқ кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб қиҳқан бўлди. Қаттиқ-қаттиқ гапираркан, қулгу аралаш гапираркан, гапира туриб, тўсатдан қўшларини чимириб-чимириб олarkan. Сўзлари шиддатли, кешир, баъзан тадбиркор аёллардан гоҳ унисининг, гоҳ бунисининг елкасига туртиб-туртиб қўяди.

— Ёзувчи ака, сизнинг олдинда гуноҳкорман, — деди менга юзланаркан, қўлини кўксига қўйиб. — Комбайнлар келиб қолди, тепасида турмасам, бу азамат эркалар меннинг фермер аёлларимга кун беришмайди, алдаб олиб қўйишадди. Вой, Худойим-эй, бу эркалар аёлларини алдаш учун дунёга келаркан-да.

Гулистонга семинар-тренинг

Сирдарё вилоят ҳўкимлигида «Ўзбекистонда 2004 йилда эркин демократик сайловлар ўтказишнинг ҳўқуқий асослари» мавзусида минтақавий семинар-тренинг бўлиб ўтди. Семинарда вилоят идораларининг раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳўкимлари, қишлоқ фуқаролар йиллигининг раислари, маҳалла оқсоқоллари, матбуот ходимлари, шунингдек, ташкилот ва корхоналар вакиллари тақлиф этилдилар.

Семинар-тренингни вилоят ҳўкими Равшан Хайдаров очди. Шундан сўнг семинардаги асосий масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси Бўришот Мустафоев маъруза қилди.

Маъруза юзасидан бўлган муҳокамаларда сиёсий партиялар фаолиятининг ҳўқуқий кафолатлари, сайловда сиёсий одоб масаласи ҳамда сайловга оид ўнлаб масалалар бўйича мулоҳазалар айтилди.

А. ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ганлар қуллўқ қилиб, раҳмат айтиб, чиқиб кетишди, битмаганлар ваъда олди. Навбат яна менга келди. — Қайта-қайта уэр сўрайман, — дея Гўлчехраҳон стулини мен томонига сўриб. — Ташвишланманг, — дедим. — Мен ҳам бекор ўтирганим йўқ. Уэр-мен айтишим керак. — Нима гуноҳ қилибсизки, уэр айтасиз, — деди Гўлчехраҳон. — Сизнинг иштирокингизсиз, — дея уэр айта бошлайман, — фаолиятингизни ўргана боладим. — Йўқ-э, ўрганишга арзийдиган фаолиятим бор эканими? — Иш режаларингиз, ўтган йилги ҳисоботингиз, бирга ишлаётган дугоналарингизни фикр-мулоҳазаларини, адабиёт тўғрисидаги топириб-

бўлиб қолибди. Бир тадбиркор аёлга банк қарор билан ажратилган пулни бермаётган эмиш. — Ҳай, менга қаранг, жаноб, — дея телефон гўшага дериб қўйиб, гапира туриб ўрнидан туриб, ўнг қўли билан столини муштлаб-муштлаб ҳам қўяпти, — Юртбошимизнинг фармонларидан хабарингиз бор, ҳўкуматнинг фармойиши, ҳўкимнинг қарори қўлингизда... Йўқ, бир ҳафта қўломайимиз, пулни эртагаёқ олишимиз керак. Бўлмаса, билиб қўйинг, сизни тадбиркор аёллар ҳаракатиға қарши деб биламиз, ўз ўрнига ҳолойик деб биламиз... Ҳа, гап бундай бўлибди, демек, эртагами?

Бошқа бир фермер аёлнинг маккажўхориси ҳалигача бир марта ҳам сув ичмабди, қўшни дехқоннинг жўхориси полук қиҳарай деб қолибди. Аёл йилгаворай-йилгаворай деб гапираяпти. Назаримда, Гўлчехраҳон ҳам унинг арзини тинг-лаганда йилгаворай-йилгаворай деб тургандек эди. Тўсатдан ўрнидан туриб кетди. Йўқ, йўқ, деб бетоқат бўла боладим. Бугун кеча-сиёқ бораман, ўша миробачани ёқасидан олиб, бошини сувга тикмасам, Гўлчехра отимни бошқа қўяман... — дея яна қайтиб ўрнига ўтирди.

Бировига дўқ урди, бировига юмшоқ, силдиқна гапирди, унисини ёқасига илтимос, илтимос дея ёлво-риш оҳангида сўзлади. Иши бит-

Очерк

кишлоғида бўлганман, қўни-қўшниларини, тенгқўрларини билан ўп мириқиб сўхбатлашганман. Болалик йиллари ҳақида озгина бўлса ҳам тасаввур ҳосил қилгандекман.

Оилада ўн ўғил, уч қиз катта бўлган. Ота — тракторчи, она — уй ишлари билан банд бўлган. Ота қаттиққўл бўлмаса, бири беридаман шўқ, уяр ўғилларини тарбияга қўйиб бўлмайди. Она раҳмдил бўлмаса, бир кун оқ, бир кун тўқ усаётган бу болаларнинг қалбига гузаллик шаклланмай қолиши мумкин.

Демек, деб ўйлайман яна, Гўлчехраҳоннинг характериди қаттиққўллик отадан, раҳмдиллик онадан ўтган экан-да. Гўлчехра боғчадалиқ чоғидаёқ қизалоқларга бош бўлишни машқ қилган, мактабни битиргунча, синф-комплексни ҳеч қимга бермаган экан. Ун уч болани боқилишим ўзи бўлмаган. Ота қийналган, уни кўриб, қизалоқ Гўлчехра «Отажоним, ҳафа бўлманг, катта бўлсам, тракторчи бўлиб, ишингизни енги-латаман, ўзим ёрдамчингиз бўламан», деб момик қўллари билан юзларини юмшоқ-юмшоқ силлаган.

Кўшнинг билан яхши бўл

Ироқ ўтиш даври ҳукумати раҳбари Аяд Аллавий Яқин Шарқ давлатларига ўз расмий таширифини бош...

Дакка сув

остида қолмоқда

Бангладеш пойтахти Дакка шаҳрини сув босмоқда. Сўнгги хабарларга қараганда, шаҳарнинг деярли 40 фоизи сув остида қолган.

Эҳтиёт бўлинг: денгиз қароқчилари!

Малайзияда жойлашган денгиз қароқчилигини мониторинг қилувчи халқаро марказнинг маълум қилишича, жорий йилнинг дастлабки олти ойида денгиз

АҚШда президентлик сайловининг асосий босқичи бошланди. Кеча Бостонда (Массачусетс штати) мамлакатдаги етакчи сиёсий кучлардан бири — Демократик партиянинг навбатдаги сўзиди очилди.

дан, шунингдек, 12 та чет мамлакатдаги Демократик партиялардан 4353 делегат ва 611 та уларнинг ўринбосари иштирок этмоқда.

АҚШ: ДЕМОКРАТЛАР СЪЕЗДАГА ЙИФИЛДИ

овоздан президентликка номзод сифатида кўрсатилишига ҳеч шак-шубҳа йўқ эканлигини билдиришмоқда. АҚШ конституциясига киритилган ўн иккинчи ўзгаришда президентликка номзод ва вице-президентликка номзод биргалликда кўрсатилиши лозимлиги таъкидланган.

қароқчилиги сезиларли даражада ошган. Бундан ташқари, ўтган йилларга нисбатан улар қўлида қурбон бўлаётганлар сони ҳам икки баробар кўпайган.

Норозилик намоёиши

Хабарингиз бор, Исроил ҳукумати Фазо секторидан ўз харбийларини олиб чиқиб кетиш ҳамда ушбу ҳудуддаги ахдидлар аҳоли пунктларини кўчиришни режалаштирмоқда.



Бунга қарши минг-миглаб исроилликлар норозилик намоёишлари қилмоқда. Маҳаллий полиция вакилининг айтишича, намоёишда 130 мингдан ортиқ аҳоли қатнашган.

ОЛАМ НАФАСИ Янгиликлар, воқеалар, далиллар

вакт йўқ. Съездеги асосий маърузачилар аниқ. Собик президентлар Билл Клинтон ва Жимми Картер, собик вице-президент Алберт Гор Керрини қўллаб-қувватлашларини билдиришди.

Умидлар пучга чиқди

Утган ҳафта АҚШ Давлат котиби ўринбосари Жон Болтон Сеулда бўлиб, мабодо, Шимолий Корея ўз ядро дастуридан воз кечса, Ливия сингари унга ҳам катта иқтисодий ёрдам кўрсатилишини маълум қилганди.



БМТ Бош қотибига мурожаат

Ироққа нисбатан уюштирилган ҳарбий амалиётлар ҳақиқатан адолатлими? Буюк Британия парламенти аъзолари Кофи Аннанга мурожаат қилиб, мазкур масалани ойдинлаштириш мақсадида, Гаага халқаро трибунада кўриб чиқишнинг сўрашмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Суд қарор чиқарди, бироқ...

Германия ва Франция бир неча йилдан бунён кетма-кет бюджет тақчиллигининг олдин олмай келаётганини ушбу суд қарори таъкидлади.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йил 25 ноябрда ЕИ вазирлар кенгаши Еврокомиссияга мурожаат қилиб, Германия ва Францияга нисбатан қаттиқ жазо чоралари қўлламаслигини сўраган эди.

Ун саккиз ой давом этган тортишувлардан сўнг Европа суди бир қарорга келди: қабул қилинган қонда ҳамма учун баробар, ҳеч қим ундан чекинмаслиги даркор, акс ҳолда, иттифоқчилар ўртасида тенглик йўқолади.

Маълумки, қондан бузганга катта миқдорда молиявий жарима ёки иқтисодий санкция қўйилмади. Кузатувчиларнинг фикрича, ЕИда катта маъвога эга бўлган бу икки давлатга нисбатан жазо амалиётини қўллаш анча қийин кечди.

ДАРФУР МОЖАРОСИ

Африка қитъасида беқарорликни юзага келтириши мумкин

Сўнгги пайтларда Суданда руй бераётган воқеалар қитъадаги унга қўшни давлатлар, халқаро ташкилотлар ва умуман, дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда.



Утган йилнинг февраль ойида Дарфур музофотида маҳаллий қабилалар қўзғолон кўтарди. Расмий Хартум уларни бостириш учун араб миллатига мансуб кўнгилчилар гуруҳларини ишга солди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳон ҳамжамиятини Судандаги инқирозни бартараф этишда фаол қатнашишга чақирмоқда. Халқаро инсонпарварлик ташкилотлари қочқинларни озик-овқат билан таъминлаш учун барча имкониятларни ишга солаётганлар.

БМТ Судан ҳукумати ҳам мамлакатдаги вазиятни бартараф қилишда янада фаоллашишга ундади. Ташкилотнинг Фахрилик Кенгаши агар Судан бунинг улдасидан чиқа олмаса, мамлакатга нисбатан санкциялар жорий этилишини маълум қилди.

Буюк Британия ҳукумати

Муносабатни тиклаш учун

Австралия ҳукумати 10 ноябрда парламента бўлиб ўтадиган сайловолди жараёнларида муҳожирикни тўғрисидаги қонунчиликни бироз ўнгатмоқчи. Янги қондаги кўра, аниқ пайтда яшаб келаётган 9500 қочқинга фуқаролик мақоми берилди.

Онанинг қийналганини кўриб, онажоним, йилгаман, катта бўлсам, тикувчи бўлиб, ҳамма ака-укаларимга қийим-бошини ўзим тикиб бераман деган. Далада одамлар қийналаётганини кўриб, Худо хоҳласа, катта бўлсам, колхозга раис бўлиб, ҳамманганин курортларга жўнатаман, деган. Ариқларда сув камайиб, сув талашиб муштлашчилар, жанжаллар бўлганида, катта бўлсам, миғир бўлиб, ариқ-у анқорларни сувга тўлдираман, деган. Гоҳо тенгқурулар билан сайлаб борганида болалардан жажжи бошига гулчамбар кийиб, қирдан қирга ўтганда шора бўлиб, ушбу гўзалликни оламга кўз-кўз қиламан, деган.

тинглашни ҳам, дала айланшини ҳам, гоҳ мактов, гоҳ танкид сўзларни эшитишни ҳам кеча яқин тугатди. Гулчехраон, мен келин бўлиб тушган кишлоққа, бормасангиз, хафа бўламан, деб туриб олди.

латларини ўрганиб охирига етказма олмайди-деканман. Бир қарасанг, миришкор дехқон, фермер, бир қарасанг, уздабурун тadbиркор, бир қарасанг, меҳри муҳаббатли она, бир қарасанг, нозиктаб шоирана.

ГУЛЧЕХРАДЕК МИН!

Эшлигидаёқ Чирчиқ шаҳрига бориб тикувчиликни, мотористликни ўрганибман. Мотористлик қиз болага ярашмайди, деганларга нари тур, йўлини тўсма, деган. Жуда, жуда, йўлини тўсма, деган. Жуда, жуда, йўлини тўсма, деган. Жуда, жуда, йўлини тўсма, деган.

корликка бекорга қўл ураётганим йўқ. Бекорга ҳар қуни 30-40 чақиримлаб, гоҳ пийёда, гоҳ отда йўл босаётганим йўқ, туман аёлларини бекорга оёққа турғизаётганим йўқ. Бунга қишлоқ фақат битта дейсизми, йўқ, кўп, жуда кўп.

Кўнглидаги армонларини санай-санай мени Тошкент йўлигача кузатиб қўймоқчи бўлди. Йўқ, десам ҳам кўнмай, қайтаётганимда қоронғу тушиб қолади, яна сув жанжалига бораман, деб катта ўғлига булутдек баланд отини эгарлатиб чиқди.

Advertisement for LG air conditioners. Features an image of a white LG air conditioner unit and a person sitting on a sofa. Text includes 'LG', 'No. 1 В МИРЕ', 'Кондиционеры', and 'JET COOL GOLD'.

Advertisement for O'ZSANOATQURILISHBANK. Features an image of a car and text: 'O'ZSANOATQURILISHBANK', 'Кўпларни танишади - муносибларни танлашади!', '«ВОЛГА» автомобиллари', '«ГАЗЕЛЬ» сотилади'.

# ЮРТ ШАЪНИНИНГ МУНОСИБ ҲИМОЯЧИЛАРИ

Хабарингиз бор, яна санокли кунлардан кейин кўна Афина шаҳрида энг нуфузли мусобақа — олимпиада спорт ўйинлари бошланади. Спорт оламига қадам қўйган ҳар бир кишининг энг юксак орзуси, шубҳасиз, мана шу сингари беллашуларда иштирок этиб, муносиб шарафни қўлга киритишдир. Хукумати-мизнинг спортга қўрсатган эътибори, ғамхўрлиги эса бу борадаги орзуларнинг рўйбга чиқишига кўмак бераётгани аниқ. Биз қўйда бу галги олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган фарғоналик спортчилар ҳақида сўз юритамиз.

**Шерзод ХУСАНОВ**  
Олимпиада ўйинларида тайёргарлик бошланиши



арафасида Фарғона вилоят хокимлиги бокс бўйича халқаро спорт устаси Шерзод Хусановни «Матиз» автомобил билан тақдирлади. Шуниси қизиқки, бокс бўйича мамлакатимизнинг бир неча бор чемпиони, Таиландда ўтказилган жаҳон чемпионати-нинг кумуш медали соҳиб-и машина бошқаришни билмас экан. Шерзод бу ҳолатга қизиққан журналистларнинг саволига камтарона қилиб: «Машиқлар, турнирлар билан бўлиб, ҳайдовчиликни ўрганишга кўл теккани йўқ», деб кўя қолди.

Шерзоднинг илк қадам қўйган кунидан фарғоналик таниқли мураббий Ҳамид Дехқонов билан бирга, ютуқлари ҳам, муваффақиятсизликларни ҳам бирга баҳам кўради.

Муваффақиятларнинг фикрича, Шерзоднинг машҳур спортчиларга хос хислати шундаки, у бокс бўйича ўтказилган мусобақаларнинг катта-кичик нуфузига уналди аҳамият беравермайди. Чунки у олимпиада мусобақаларида иштирок этиб, Ўзбекистонга олтин медал билан қайтишни умрининг мазмуни, спортдаги ҳаётининг гултожи деб билади.

**Сергей ЛАГУТИН**  
Сергей спортчилар хона-донда дунёга келди. Ота-



си Сергей Борисович вилоят спорт қўмитасида велоспорт бўлимига раҳбарлик қиларди. Олдин болакайлардай кичик ва ўсимирлар велосипедларини кўча чангитиб ҳайдаб юрганида болалик ҳаваси бир умрлик юмуш, ширин ташвишга айланишини ҳаёлига ҳам кел-

тирмаган эди. — Бир кун отаси учта спорт велосипедни миниб келди, — дейди чемпионнинг онаси Ольга Васильевна. — Сергей велосипедни деворга суяб, эгарга минди. Ҳар қанча уринмасин, оёқлари педалга етмади. У ўшанда 12 ёшли болакай эди. Орадан бир-бир ярим йил ўтмай спорт велосипедни ҳайдашни ҳам ўрганиб олди. Илк бор ёшлар ўрта-сида ўтказилган шаҳар биринчилигида голибликни қўлга киритган кезларидаги кувончи ҳозир ҳам кўз ўнгимда турибди. Гўё дунёда ундан бахтли бола йўқдай эди. Балки ўша саодат онларида унинг велоспорт бўйича жаҳон шохсу-

## Улар Афинага борадилар

паси сари илк қадам қўйганини кўпчилик илгарамаган эди. Менинг ички бир туйғум ўғлонимнинг келажаги порлоқ эканига ундарди.

Сергей Фарғона шаҳридаги 4-урта мактабни битириш арафасида эл оғзига тушиб қолган спортчилардан бири эди. Базилар: «Ҳарқалай, отаси велоспорт бўйича муваффақият, суянчиғи бор, ютуқлари ҳам шунга яраша», деб таъна-у дашном қилишларидан чўчиб, фақат машққа, машғулотларга зўр берди. Тенисчининг биллақлари, камончининг нигоҳлари, шахматчининг ақл-заковати барқамол, бакуват бўлиши лозим. Велоспортнинг характерларида эса оёқлари, болдирлари зўр келади. Шу боис Сергей бўш қолди дегунча дўстлари билан тоғларга, дара, сўкмоқларга қараб пидея йўл олади. Шоҳимардон тоғларида Сергей юрмаган сўкмоқ, ораламаган дара қолмаган.

Бу машаққатли машқлар бесамад кетмади. Утган йили Канаданинг юртимизга монанд тоғ йўллари бўйлаб ўтказилган Жаҳон чемпионатида дунёнинг барча китзаларидан ташриф буюрган 150 дан зиёд велоспортчи орасида марра чизигини биринчи бўлиб босиб ўтди. Викинглар юртида илк бора юртимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

Сергей юксак чўкки забт этилди, деб қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Шундан сўнг кўп босқичли Жаҳон кубоги мусобақаларида ҳам фаол қатнашди. Ҳозирча мазкур мусобақанинг 3-босқичи яқини бўйича фахрли учинчи ўринни эгаллаб турибди. Чемпион велоспортчимиз

олимпиада ўйинларида тайёргарликнинг яқини босқичини эса Италиянинг Бергамо шаҳрида яна бир таниқли спортчимиз Жамолдин Абду-жаборовга сабоқ берган мураббий Олвано Локателли етакчилигида ўтказмоқда. Шуниси кувончики, Лагунинлар хонадонидан яна бир велоспорт устаси етишиб чиқмоқда. Сергейнинг укаси Александр яқинда гуруҳ бўлиб пойга қилишда мамлакатимиз биринчилигида муваффақиятли қатнашди. Балки яна тўрт йилдан сўнг Пекинда ўтадиган олимпиада ўйинларида она юртимиз шарафини ака-укалар ҳимоя қилишар.

**Дилшод МАХМУДОВ**

Бу йилгит августда бошланадиган нуфузли беллашуларда юртимиз шарафини ҳимоя қилишга бел боғлаган спортчилар орасида энг ёши, Эндигина йигирма икки баҳорни қаршилади.



Шундай бўлишига қарамай, унча-мунча ёши катта спортчилар ҳам ҳавао қиладиган марраларни эгаллади. Уч марта ўз вази тоифасида Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди. XIV Осиё ўйинларининг мутлоқ голиби. Шу йил бошида Филиппин пойтахти Манила шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаб, Олимпиада ўйинлари йўлланма олган.

Дилшод ҳам Фарғона боксининг, демакки, ўзбек боксининг муносиб аъналарини астойдил давом эттиришга бел боғлаган марду майдонлардан. Чунки у илк мартабо қўлқоп кийган майдонларда Холмат Исақов, Владимир Шин, Александр Юдин сингари боксимиз афсонасига айланган спортчилар воғая етишган. Дилшод айна пайтда доимий мураббий Бахтиёр Мингбоев билан ана шу улғу аъналарига муносиб бўлиш кўнраги тибга қўрапти.

Биз юқоридан номлари зикр этилган ва олимпиада ўйинларида қатнашиш йўлланмасини қўлга киритган бошқа спортчиларимизга омадлар ёр бўлишига тилақдошимиз!

**Набижон СОБИР, Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**  
«Халқ сўзи» мухбирлари.

## ТУРНИКЕТЛАР («ВЕРТУШКИ») ШЛАГБАУМЛАР

**КИРИШ ЙЎЛИ НАЗОРАТИ УСКУНАЛАРИ**

- Карталарни ҳисоблагичлар ..... 66 614 сўмдан бошлаб;
- Код териш мосламалари ..... 25 895 сўмдан бошлаб;
- Электрмеханик сурилма (защелка) .. 31 764 сўмдан бошлаб;
- Кулфлар ..... 55 320 сўмдан бошлаб;
- Юқори ҳимояли цилиндрлар ..... 35 960 сўмдан бошлаб;
- «Трипод» турникетлари ..... 735 000 сўмдан бошлаб.

**ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН ЭНГ АРЗОН НАРХЛАРДА**  
Параметрни қўриқлаш тизимлари, телекузатув, кириш йўли назорати, аудио ва видеодомофонлар, UPS, қўриқлаш ва ёнғин хавфсизлиги ускуналари, металл детекторлари ва бошқа ускуналар.

Маҳсулот сертификатланган.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбўғи кўчаси, 18-уй. Тел.: (998 712) 50-99-13, 50-46-13. Тел./факс: (998 71) 120-66-01.  
e-mail: vinlad@sarkor.uz; vinlad@vinlad.com www.vinlad.com

## «ЎЗБЕККИНО»

**ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИНING «АЛИШЕР НАВОЙИ НОМЛИ КИНО САРОЙИ» (Cinema palace)**

ДАВЛАТ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ШУЪБА КОРХОНАСИ «ЎЗБЕККИНО» МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ТИЗИМИДАГИ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ «АЛИШЕР НАВОЙИ НОМЛИ КИНО САРОЙИ» (CINEMA PALACE) ДАВЛАТ КОРХОНАСИГА

**қайта ташкил этилади.**

Организация реализует со склада в Ташкенте:

## КАБЕЛЬ

(АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШВ, КГ, КВВГ, ТПГ, ПВ, АПВ, ППВ, ПУНП и т.д.)

## ЭЛЕКТРОБОРУДОВАНИЕ

(ЯЧЕЙКИ, ТРАНСФОРМАТОРНЫЕ ПОДСТАНЦИИ, ДИЗЕЛЬ-ГЕНЕРАТОРЫ)

Товар сертифицирован

## СВЕТИЛЬНИКИ

(ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ и т.д.)

## ЛАМПЫ

(ЛД, ДРЛ, ДНАТ и т.д.)

ВОЗМОЖНЫ КОНТРАКТНЫЕ ПОСТАВКИ ИЗ БЛИЖНЕГО И ДАЛЬНЕГО ЗАРУБЕЖЬЯ ПО ВАШЕМУ ЗАКАЗУ

700015, г. Ташкент, ул. Нукусская, 29-д.  
Дом быта «Ўзбекистон», 5-й этаж.  
Т/ф.: (998 71) 136-01-54, 133-12-84  
E-mail: gamma-elektro@yandex.ru

## «Халқ сўзи»даги Реклама

бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Ушбу жойда **СИЗНИНГ** рекламаниз бўлиши мумкин эди!

Сизни қўйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 2-қavat, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63.

## Анджонда интернет маркази

АҚШ давлат департаментининг таълим ва маданият ишлари бошқармаси ЕСА томонидан молиялаштирилган ва IREX — халқаро илмий тадқиқотлар ва олимлар айирбошлаш кенгаши томонидан бошқарилаётган интернет маркази IATR-5 масофадан туриб ўқитиш йўналиши бўйича фаолиятини бошлади. Анджон Давлат университетининг физика факультетида очилган ушбу марказ аъзоларининг сони ҳозирда 2 минг нафарга етди.

**О. ШОДНОАЛИЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Товар сертифициланган

**ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ**

«ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖда ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларга буортмалар қабул қилади ва сотади.

**«ГАЗ-31105»** **«ГАЗ-3102»**

**Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эвазига автомобиль етказиш беришни таълиф қилади.**

Мулоқот учун телефонлар:  
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62;  
Наманганда: (36944) 22-35-9, (99897) 104-25-86.

**«ВАЗ-2106»** **«ГАЗЕЛЬ»**

Халқаро «Наврў» хайрия жамғармаси жамоаси жамғарма раиси Дадхон Ёқубовга отаси Ёқубов ота УСМОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Буюк Ипак йўлининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтадиган қисмини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуриш бўйича Бош бошқармаси жамоаси «Навоийсувқурилиш» ОАЖ таркибидати 3-сонли кўма механизацияланган шўба корхонаси бошлиғи

**Исомиддин ҒАЙБУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва касбдошларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорт агентлиги хайъати агентлигининг Тошкент вилояти бўлими бошлиғи Саидқозим Алимовга отаси **Раъно ОРИПОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорт агентлиги хайъати «Б. К. Интранс» хусусий корхонаси директори Ботир Қосимовга турмуш ўртоғи **Матлуба ҚОСИМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Тахрир хайъати:  
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. ДЮГАЙ, Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир уринбосари — «Халқ сўзи»), Л. КУЧЕРЕНКО (масъул котиб — «Народное слово»), М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, А. САИДОВ (бош муҳаррир уринбосари — «Народное слово»), М. САФАРОВ, И. УТБОСАРОВ, А. ҲАЙДАРОВ, Ҳ. ХОШИМОВ.

## БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-37-34; 133-78-92  
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65  
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;  
Газетхонлар билан алоқа ва минақалар — 133-52-55;  
Фан, соҳилчи саҳлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;  
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08  
Котибият — 133-10-28;  
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 869, 22202 нухсала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Қоғоз бичими А — 2. Офсет усулида босилган.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва Б. ФАЙЗИЕВ томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Набатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.  
Набатчи — Х. Эшманов, Мусахҳад — Ш. Машраббоев.

МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.  
□ — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

ЎзА якуни — 21.00.  
Тошхитириди — 21.30.  
2 3 4 5 6

## «Янгийўл ёғ-мой» ХИИ ОАЖ

раҳбарияти, корхонага хизмат кўрсатувчи банк ўзгарганлиги муносабати билан ўзининг янги банк реквизитларини маълум қилади:

ҳисоб рақами 2021000600132535001,  
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, «КРЕДИТ-СТАНДАРТ» хусусий очик акционерлик тижорат банки,  
МФО 01000, ИНН 200466854, ОКНХ 18121.  
Телефон: 2-61-35. Факс: 2-61-35.

«Азовские масла и смазки» ОАЖда (Бердянск ш., Украина) ишлаб чиқарилган карбюратор ва дизель двигателли энгил ҳамда кичик ҳажмда юк ташишга мўлжалланган юк автомобиллари учун

**УНИВЕРСАЛ «АЗМОЛ» МОТОР МОЙИ.**

Епишқоқлиги бўйича APIS/CCSAE 20W-40. ETNYL (АҚШ) фирмасининг қўшимчалари (присадка) асосида ишлаб чиқарилган.

Эълон чоп этилган кунга 1 та канистра баҳоси:

- 5 л. — 7000 сўм,
- 4 л. — 5800 сўм,
- 1 л. — 1800 сўм.

68-58-08 (улгуржи сотиш), 191-56-54, 75-19-00 (чакана сотиш).

## «ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ

сиз ва дўстларингиз дидига мос келадиган дам олишни таклиф этади.

- «Сокол», «Кристалл» пансионатлари, Чорбоғ, Хумсон, «Чимган», «Белдерсой» туристик мажмуалари — тоғ бағрида дам олиш.
- Ўзбекистоннинг санаторий ва дам олиш уйлари — даволаниш ва дам олиш.
- Самарқанд, Бухоро — автобус ёки поездда бир ва икки кунлик экскурсия сафарлари.
- Иссиқкўл — тоғда жойлашган қўл киргоғида эсда қоладиган дам олиш.

Турлар:  
- Миср: Хургада, Шерм-ал-Шайх — Қизил денгиз киргоғида дам олиш;  
- Карлови Вари (Чехия) — дам олиш ва даволаниш;  
- Туркия — денгиз киргоғида дам олиш, керакли моллар харид қилиш.

Хизматлар лицензияланган (лицензия №189-01) ва сертификатланган.  
Телефонимиз: 199-71-83, факс: 136-46-39. E-mail: uzjeldorpass@infonet.uz